



Hurriyat

Mustaqil gazeta

“Ўзбекистон Республикаси ўз тараккиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади”.

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида“ги Қонуннинг 16-моддасидан).

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 18-noyabr, chorshanba * № 41 (1205)



ОЛМАЛИҚДА ШУНДАЙ ГАПЛАР

“Худудгаз Ташкент” газ таъминоти филиали тасарруфидоги “Olmaliq shahargaz” таъминоти бўлими, шаҳар электр таъминоти корхонаси ва “Иссиқлик манбаи” МЧЖдан олинган маълумотларга кўра, шаҳар аҳолиси томонидан коммунал тўловларнинг вақтида тўланиши бўйича виллоятда энг намунали 10 та худудга киритилган экан. Улар коммунал тўловларни ойма-ой, энг муҳими, ўз вақтида тўлашади. Ундай бўлса, ширкатдаги қарздорлик қардан келиб чиқди экан? Одамларнинг пуллари...

⇒ 2-бет



ДАРСХОНАДАН РЕПОРТАЖ

Кўла диплом теккач ҳам айримларнинг ишлаб кетиши қийин кечади. Ишлаганлар қаторидан ҳам маълум қисмининг юлдузи ёрқин порлайди. Бу шафқатсиз “пирамида” устоз Сайди Умировга таҳрирдан ёд бўлиб кетган. Ва вақтида берилган тўғри йўналиш баъзиларнинг умрини беқорга совирилишининг олдини олиши ҳам аини ҳақиқат.

⇒ 3-бет



ФАСЛЛАР ДОНИШМАНДИ

Барглр ҳам кўшиқ айтадим, дерсиз. Баланд дарахлари бисёр боққа ёки хиббонга кириб, ўриндиққа ўтирингу кузатинг. Бутун вужудингиз қулоққа айлансин. Бир куйки, бутун борлигингизга сингиб боради, раққос барглрнинг навога ҳамоҳанглиги сизга нималарнидир эслатади: йилларини, йўлларини?

⇒ 8-бет

18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

БАЙРОҚДАГИ ВАТАН СУРЪАТИ

Тарихдан маълумки, қудратли салтанатда давлат рамзлари ҳамisha азиз ва муқаддас ҳисобланган. Манбаларда келтирилишича, байроқ атамаси эрамиздан аввалги 3-2 минг йилликда пайдо бўлган. Аввалида рамзлар қабилаларни бир-бирдан фарқловчи белги сифатида юзага келган, кейинчалик ягона ҳукмронликни аниқлаган.



ИЖОДИЙ САЁҲАТ

ҲАР ИШДА БИР ХАЙР БОР ёки Сирдарёда бир кун




Юрган — дарё, ўтирган — бўйра, дейдилар. Янги ижодий саёҳатга отланар эканмиз, негадир, шу мақолни журналист аҳли ўзига шир қилса бўларкан, деган хаёл ўтди. Сирдарё виллоятига бўладиган сафар иштирокчилари келишгани каби эрта тондан йўлга тушдик. Табиатга ноябрь об-ҳавоси ўз ҳукмини ўтказмоқда эди. Ёмғир майдалагина тушиб турибди. Ёмғир билан Худонинг бароқати ёғилади, дейишади. Сафаримиз ҳам бароқатли бўлсин, дея ният қилдик. Турли нашрларнинг йигирма нафарга яқин журналистлари са-лобатли, оқ автобусга ўтириб, “Қайдасан, Сирдарё?” — деганча йўл олдик. Дарвоқе, ижодий саёҳат, деб айтётганимиз пресс-тур Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Сирдарё виллояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бир қанча вақт ўтиб, Гулистон шаҳрига етдик. Бу ерда сафимизга виллоятлик журналистлар ҳам қўшилишди. Қадрдон қилчоқ шевасида ҳол-аҳвол сўрашлар бошланиб кетди, автобус самимият билан тўлди. Энди асосий манзилларимиздан бири бўлган Ховос тумани сари кета бошладик. Автомобиль йўлининг таъмирталаб аҳволи ҳам уловимиз шиддатига ҳалақит қила олмади. Ниҳоят, биз шошилган, бизни кутган Ховосга етиб келдик. “Xovos city” деб юритилган 42 гектарлик майдонга қўрилган 30 та турфа рангдаги 5 қаватли биналар йўл четида илға тизилган муңчоқдек бўлиб бир қаторда қад ростлаган эди.



ОБУНА — 2021

Мен нима учун “HURRIYAT”ни ўқийман?



Сирождин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири.

XXI асрда яшашимиз. Ҳар лаҳза, ҳар сонияда рўй бераётган шиддатли воқеа-ҳодисалар, шусиз ҳам сершитоб умримизни шошириб қўяётгани аини ҳақиқат. Олам ўзгараётир. Олам ўзгаргани сайин одамзод ҳам ўзгариб бораётир. Ўқилган, ўқилаётган газеталар қанчаю, ўқилмай тахлам-тахлам қолиб кетаётган керак-ноқерак рўзномалар қанча — бунинг ҳисоб-китоби-ю увол-савобини билмоқ учун бир қайрилиб орта қарамоққа юрак безиллайди. Шу аснода “Hurriyat” менинг ўқилаётган газеталарим рўйхатида турганини илғаб, хушхўл бир қайфиятда мутолаага шўнғиб кетганим ҳам бор гурунг. Бу — ҳамишаги гурунлардан фарқи ўлароқ, ҳар ҳафтанинг чоршанбасидан бошланиб чоршанба кунига меннинг ҳаётимда бардавонлик касб этаётганини бир ўқувчи сифатида алоҳида таъкидлаб айтгим келади. Уйлайманки, бошқа кўлимсонли газеталар ҳам аини менинг ҳолатимда худди шу соғинч ва илҳақлик билан “Hurriyat”ни куттишади ва мутолаа қилишади. Тавалло бобомиз лутф этгандай: “Яшнатиб дил гунчасин фасли баҳор айлар газет”. Хўш, мен нима учун “Hurriyat”ни ўқийман, нима учун газета ярим кун кечикса, безовталана бошлайман?

Донишманд зотларнинг “Агар сен инсон бўлсанг яратгин ўзинга ном” деган сермазмун ҳикмати бор. Бу ўринда “ном” жумласи ҳозирги тараққиёт замонининг жонли тилимизга мустаҳкам ўрнашиб олган фасон ва машҳур сўзларидан бўлмиш “имидж”га мос келади. Айтмоқчиманки, “Hurriyat” ўз номини ўзи яратган, ўз имиджга эга исми жисмига муносиб ва мутаносиб газета. Биргина тақлифим: газета тимсолини жиддий ўйлаб кўриш керак. Энг илғор технологиялар ва дизайн замонида “Hurriyat” сўзига мос кўркам рамз топиш унчалик кўп меҳнат талаб қилмайдиган юмуш. Матнларни ҳам ўқувчи нафас олиб, яйраб ўқийдиган даражада кенг ва мўл қилиб жойлаштиришдан чўчимаслик лозим. Менга, авваламбор унинг номи ва яхши кўрган сўзларимдан бири “хурният” билан уйқаш-қофиядошлиги хуш ёқади. Онамларнинг рўзгордан рўшнолик кўрмай, бир умр орзу-армонда утган Хури мома деган қариндошлари ҳақида кўп дардли-изтиробли ҳикоя ва нақлларини болалик чоғларимданок эшитиб улғайганим учунми, ушбу газета менга ёруғликка чиққан Хури момони эслатаверади.

Газета эндигина 24 ёшга — аини куч ва шиддатга тўла норғул ўспиринлик палласини қаршиламоқда. Биз бу ёшда “Тошкент оқшоми”нинг уйсиз-жойсиз, ёш-бебош мухбирлари сифатида “ахборот қироллари” ёнида: “Газеталар бўрониди кетаялман, кетаялман, метро янглиг бу дунёнинг қоқ бағридан ўтаяман, ўтаяман” дея кўп оханжама ва баландпарвоз сатрлар битиб юрганларимиз — ҳозирги янги давру замонларнинг хур ва озод ҳаволидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган ёш қаламкаш укаларимизга ҳавас қилиб турганимиз — мана шу порлоқ ва мунаввар онларга қадар — қанча суварлар, эҳ-ҳе, бу сувар билан қанча замонлару тузуллар оқиб ўтдилар!..

Бугунги хурриятимиз, Янги Ўзбекистонимизнинг бор кўрк ва жилолари, дашту далаларимизу зангор ва мусаффо осмонларимиз, тинч тонларимиз билан эзгу ниятларимиз тимсоли бўлмиш давлатимиз байроғининг ранглари ва юксаклиги янглиг газета саҳифаларида ўз маъна ва ифодасини топаётганидан мамнунлигимизни айтмоқчи эдим.

Қай элдамим озод фикру хур ният бўлғай, Юртнинг бахту саодати зўр ният бўлғай — Элниг шаъну шавкатидан юксалиб Ватан, Давлат байроғидай баланд Хуррият бўлғай.

17.11.2020 й.

ШУНДАЙ ДЕДИ



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Халқаро Пресс Клуб раиси:

Бизда репетиторлик бизнеси алоҳида гапирилади. Мактаблар ожиз бўлгани учун репетиторлик бизнеси гуллаб-яшнади. Агар мактаб кучли бўлганда репетиторга эҳтиёж қолмасди. Инглиз тилини мактабда 11 йил ўрганамиз, университетда 4 йил ўрганамиз. Аммо инглизча гаплаша олмаймиз. Ёки бошқа тилда гаплаша олмаймиз. Нимага? Хусусий курсларга боринг, 3-4 ойда бола инглиз тилида гапириб кетади. Биз 11-12 йил ўқитамиз болани, у эски “Эксерсиз” билан “Бонк” тилида гапиради. Америкада ҳам, Англияда ҳам бу тилда ҳеч ким гапирмайди. Бизда ҳамма дастурлар мактабники ҳам, олий ўқув юртиники ҳам эскирган.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

НОТАНТИ ҚЎШНИЧИЛИК

Эл орасида “Кўшнинг ёмон бўлса қочиб кутул”, деган нақл бор. Бу ҳикматли ибора ёлғиз бир киши ёки хонадонга тегишли бўлса-ку, бир гап — амалга ошириш мумкин. Лекин бу нохуш ташвиш 400-500 хонадон яшайдиган маҳалланинг бошига тушса, нима қилиш керак? Аини пайтда Қўшработ туманидаги “Бойтўп” маҳалла фуқаролар йиғини худудиди яшовчи аҳоли худди шу савоалга жавоб қидиришмоқда.



— Маҳалламиз Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармасига қарашли корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари яшайдиган “Заркент” кўрғонига туташ, девор-дармиён қўшни, — дейди маҳалла кенгашининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш комиссияси аъзоси Норбўта Норжигитов. — Дастлаб, бу қўшничилик бизга анчайин маъқул, ўзаро манфаатли туюлди. Ахир ён қўшни — жон қўшни деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Шунинг учун боримизни баҳам кўришга ҳаракат қилдик: еримиздан, сувимиздан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишга изн бердик. Қолаверса, вақти келиб уларнинг ҳам бизга нафи тегиб қолар, деган умидда яшадик.

Мана шу иттифоқчилик самараси туфайли маҳалламизнинг қоқ марказида “Заркент” кўрғони аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминловчи 5 та чуқур қудуқ қазилиб, ишга туширилди. Ҳозир улардан ҳар дақиқада 40 куб метр тоза булоқ суви кончиларга етказиб берилмоқда. Қурувчилар эса маҳалла худудини кесиб ўтган сой ўзанидан янги турар-жойлар, йўللр ва бошқа иншоотлар пойдеворини тиклаш учун керакли бўлган қум-шағал материалларини қазиб олдилар. Акс ҳолда бу муҳим қурилиш ашёлари 50-60 қақирим наридаги Зарафшон дарёси ўзанидан ёки 40 қақирим наридаги карьердан ташиб келтирилган бўларди.



Қадрли юртдошлар, 2021 йил учун обуна давом этмоқда. “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АК ҳамда соҳага дахлдор қорхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.



АЖОЙИБ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР



БЎРИ БИЛАН "ҚАРИНДОШ" ОДАМ

ёхуд ўттиз бир марта илон чаққан морбоз

Ўзбекистоннинг машҳур морбози, Нуробод туманининг Жом қишлоғида яшовчи Алишер морбоз ҳайвонот боғи очибди, деган хабарни эшитиб, йўлга тушдик.

Самарқанд — Қарши катта йўлининг четида жойлашган тўрт томони қирларга туташган жойда мўъжизадай порлаб турган гўша ўтган- кетганни ўзига қаратади. Маҳаллий ҳайкалтарош ишлаган турли ҳайкаллар — бўри, турналар, қушлар, суғ фарштаси ўзига хос чиройли, кўнглига яқин. Яхши-да, юртингда кўлигул, кўнгли гул шундай ижодкорлар борлиги. Уша маҳаллий ҳайкалтарошни бошқа кўнглиларча гўшаларга таклиф қилиб, фойдаланса, арзийди. Бу гапни унинг ишлари айтиб турибди. Алишер Ёрматов ўзи яратган гўшага уни таклиф қилиб савоб иш қилибди.

Болалар ва катталар яйраб, ҳордиқ чикарайдиган майдонда, дам олиш учун ўриндиқлар. Энг муҳими, манзарали, доимо яшил дарахтлар ва ноёб гуллар, фавора(ичида суғ париси ҳам бор) ёнидан ўтиб, қафаслар ёнига яқинлашамиз. Бошлангида қафасда сизни бўри кўтиб олади. Шу ерда бўрилар ҳақидаги эрталар, афсоналар едага тушади.

— Бўрининг ёнидаги итми? — таажубланамиз...

— Ҳа, таваккал қилиб, кичкина кучукчани ёнига киритган эдик. Иккови дўстлашиб кетди, — дейди Алишер. Кучукчага раҳми келди шеклилли... Мана икки йил ўтди, бирга яшашаяпти.

"Сахродаги жаннат" номли китобимда акс эттирилган воқеа эсимга тушди.

"Рихсixon опа кўп йиллар тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаган, дунёқарашли кенг, истараси иссиқ, меҳнаткаш, фидойи аёл экан. Тақдирнинг сирли йўллари ва узун кўллари муҳаббатни сабаб қилиб, Рихсixonни Тошкентнинг Уғом дарёси бўйидан, жаннатмонанд Хумсон кўйидан олиб, Навоий вилояти, Нурота туманидаги "Қизилча" хўжалигига келтириб ташлади. Тўрт томонда кумлар ёниб ётди.

Еш келинчақ турмуш ўртоғи Муфтиллонинг ота-онаси, опа-сингиллари қалбидан меҳр топди. Қайнонаси раҳматли, ёлғиз ўғлини, аёвало, Яратгандан, қалаверса, бўридан тилаб олганман, дерди.

— Ойшон, бўридан қандай тилаб олгансиз? — деб сўради, келинчақ. Саломат момо тошкентлик келинчининг узун сочларини ўрар экан, ҳикоясини бошларди:

— Ҳуве бир неча қирнинг нарғида дадангиз(қайнотангиз) сохохонига кўллари боқарди. Ҳар кунгидек, тушликка кўй гўшудан қовурдим, устига нонни бостириб, тузунга туздим. Офтоб тиккага келган, даданг ҳам очқаб ўтгандир, деб йўлга тушайтсам, Муфтиллоним эгизимга ёлғизиди, менам бораман, деб. Кун иссиқ десам тушунмас, чарчаимиз десам тушунмас. Ёлғиз ўғлимнинг гапини сира икки қилмаганмиз. Наҳора, она-бола икковим йўлга тушдик. Офтоб урмасин деб, бошига дўпписини, эгизга тўнчасини кийдириб олдим. Узим ҳам қасавамни, камзулимни кийиб, оқ суруп рўмолимни ўраб олдим. Сурувчи излаб йўлга тушдик.

Бир кўлимда тузун, бир кўлимда бола, гоҳи чарчасам етаклаган бўлам. Яна болажоним чарчагунча, менинг кўллари оғирини деиман-да, олиб олиман. Муфтиллонимнинг оёқчаларини кумлардан ҳам қизганман.

Бир пайт, бизга қараб рўпарамиздан келаятган итга кўзим тушди. Ҳа, жаниворгина, итмиз излаб келибди-да, деб меҳрим товланиб қарасам, итдан катта бир жондор бизга ёқараш қилиб турибди.

Вой ўлмасам, катта бўри! Бўрини кўрганман, ўлигини кўрганман. Бобойим бир сафар отарга оралаган бўрини кўлашиб, итлар билан, чўпон-чўпиклар билан кўлга тушириб, олиб олган эди. Баттол бўри қанча кўлларнинг бошига ётган эди. Биттасини егин, иккитасини егин, унтасини ҳам ёриб ташлайдим? Шундан кейин бизникилар ҳам шафқат қилишимайди-да! Вой ўлай, бу бўри ҳам ўшанга ўшайди, уругимкин, боласимкин, ўлдим

кетди. Бирпас кўзимга қараб турди-да, оёқатга ҳам, менга ҳам, боламга ҳам қарамай, ортига ўгирилиб йўлга тушди. Эй, Художоним, бўрида ҳам шафқат бор экан! Кўнглига раҳм солганинг учун, ўзингга шукр, Аллоҳим!

Шундан сўнг, менам бу воқеани эшитгач, эрим ҳам овулдошларим ҳам бўрига ўқ отмай кўйди. Сиз ҳам овозини эшитсангиз қўрқманг, болам, бўри эрингизни қариндоши бўлади". Мен шу ҳақда айтиб берсам:

— Бундай воқеалар кўп бўлган, бўрилар инсон қалбини инсондан яхшироқ тушунади. — деди Алишер.

Мен китобимда ёзган юқоридаги воқеа гарчи тўғридан тўғри Алишер Ёрматовга алоқаси бўлмас-да, ҳаётда турли йирткич жонотларни ўзига эл қилганлиги билан жуда ўхшаш, тақдирдош десам хато қилмаган бўлам.

Шундай қилиб, бўрини узоқ томоша қиламиз. Уям бизга бироз тикилиб, нарига кетди. Ўртадаги темир панжаралар энг яхши ҳимоячи эканини сезиб турибмиз. Биз одимлашда давом этамиз. Чиябўри, жайралар, денгиз чўчалари, олмахон, қакликлар, беданалар, уқки, турли тўтиқушлар, бургутлар, лочинлар, жўрчи қуш, эчкелар каби 30 турдан ортки парранда-ю даррандаларни ура-тамиз. Қанотларини кериб, солганиб товуслар ўтади у ёқдан бу ёққа. Мана бу илонлар сақланадиган қафас. Алишер морбознинг энг севимли бурчаги. Бу ердаги илонлар бир неча хил. Асосий қисми уйда. Юздан ошиқ, бир-биридан даҳшатли илонлар, энг захарлилари бор.

Алишер Ёрматов қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган, у ҳақида фильмлар яратилган, китоблар ёзилган. Унинг илонларга муносабати, кашфиётлари алоҳида мавзу. Хорижиликлар илон захри билан даволашни ҳамкорликда олиб бораёлик, келинг, деганларида ҳам рози бўлмади. Узимнинг Ватанимда, юртдошларимга ёрдам бераман, деди.




Аммо ҳозир гап Алишер морбознинг табията, ҳайвонот дунёсига меҳри ҳақида. Мана шу меҳри ёшлар қалбига сингирди йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида.

Қишлоқда яшовчи ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам катта шахарларга бориб, ҳайвонот боғларини томоша қилиш имконига эга эмас. Баъзилари тоғли жойларда яшасалар ҳам, ёнлариде яшаётган ҳайвонот олами ҳақида етарли билимга эга эмаслар. Шу сабаб ёшларимизга билганларимни билдиргим, табиятта меҳр уйғотгим келди.

Суғ келмаган даштлар орасида ҳайвонот боғи, болалар уйингоҳи яратгунча, 70 сотих ерни боғу роғга айлангунча икки миллиард сўмдан ортки пул сарфланди. Унинг гоғларини тадбиркор укалари Собиржон ва Бахтиёр Ёрматовлар, профессор опаси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Дилором Ёрматова кўлаб-қувватлаб туришди. Моддий ва маънавий ёрдамларини аяшмади. Дашту қирлар орасидаги жаннатга

ташриф буюрганлар бир дунё лаззат, билим олишлари турган гап. Болалар мазза қилиб уйнашлари учун боғ, уйинчоқлар мавжуд. Яқинда ҳайвонот дунёси ҳақида фильмлар намойиш қилинадиган зал ҳам тайёр бўлади.

— Агар болалар, ёшлар боғимизга ташриф буюришса, уларга жоним билан ҳайвонот дунёси ҳақида қизиқарли дарс ўтиб бераман. Улар бу ердан кетар чоқларида табиатнинг айрилмас бўлаги бўлган, биз билан бир заминда яшаётган ҳайвонлар билан дўстлашиб кетадилар, — дейди морбоз.



ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

МАЙЯ САНДУ: "ЯНГИЛАНИШ МОЛДОВАНЛАРНИНГ ОРЗУСИ ЭДИ"

Молдова "Ҳаракат ва бирдамлик" партияси раҳбари Майя Санду мамлакат президенти сайлови иккинчи bosқичида рақибига нисбатан кўпроқ овоз олди. Бу ҳақда мамлакат марказий сайлов комиссияси хабар берган.



Уттан яқинба куни Молдовада республика президентлиги учун сайловнинг ҳал қилувчи bosқичи бўлиб ўтди. Мамлакат фуқаролари яқин тўрт йиллик учун давлат раҳбарини сайлади. Икки даъвогар — собиқ бош вазир Майя Санду ҳамда амалдаги президент Игорь Додон ўртасидаги курашда Майя Сандунин сайловчиларнинг 56,28 фоизи кўлаб-қувватлаган. Додон учун эса 43,72 фоиз фуқаро овоз берган.

Демак, энди Молдовага аёл киши етакчилик қиладиган бўлди.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР 50 НАФАР



Қирғизистон республикаси Марказий сайлов қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, мамлакат президентлигига номзодини кўйганлар сони 50 нафардан ошган.

Номзодлар орасида вақтинча президентлик вазифасини бажараётган Саидр Жапаровдан тортиб, бир қатор машҳур сиёсатчилар, собиқ парламент аъзолари, ўқитувчилар, юристлар, нафақахўрлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ҳатто ўндан ортки вақтинча ишчилар ҳам бор. Парламентнинг собиқ спикери Канат Исоев, ўтган парламент сайловларида тўртинчи ўринни эгаллаган ва натижалари кейинроқ бекор қилинган "Бутун Қирғизстан" партияси етакчиси Адаҳон Мадумаров ҳам давлат раҳбари лавозимига даъвогарлик қилмоқда. Қирғизистонда президент сайловлари 2021 йил 10 январь куни ўтказилиши режалаштирилган.

КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ ЯХШИРОҚ

Эрон соғлиқни сақлаш вазири Саид Некеми Исфохон тиббиёт фанлари университети мутасаддилари билан учрашувда сўзга чиқиб, эълон қилинган янги чекловлар "COVID-19" эпидемиясини жилавлеш учун ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини айтди. У чекловларнинг иқтисодийта таъсири ҳақидаги хавотирларга ишора қилиб:



— Ҳеч бир фалокат мамлакат иқтисодиёти учун эпидемиянинг узоқ чўзилишчалик хавфли бўлишига ишонмайман. Карантин чоралари одамларнинг касал бўлишидан ва касаллик туфайли вафот этишидан яхшироқдир. Агар инсонлар ушбу чекловларга риоя қилмаса, биз "ўйин"да ютказамиз ва кўнига 4 хонали рақамларда қурбон берамиз, — деди.

Мамлакатда коронавирус сабаб кўнлик ўлимлар сони 500 га яқинлашди. Вафот этганларнинг умумий миқдори 42 мингдан ошган бўлса, жами касалланганлар 800 минг атрофда.

Шу йил 14 ноябрь куни президент Хасан Руҳоний томонидан Эронда янги карантин чекловлари эълон қилинган эди.

КАБУТАР "ФЕРРАРИ" НАРХИДА СОТИЛДИ



Буғун дунё "New Kim" номли кабутар ҳақида гапирмоқда. Бельгиянинг Пула кабутарлар маркази икки ёшли почта кабутари "New Kim" рекорд нархда сотилганини эълон қилди.

Бельгияда бўлиб ўтган кимошди савдосида кабутар 1,6 миллион еврога сотилди. Бундан аввал, 2019 йили Бельгияда бир хитойлик киши "Армандо" номли кабутарни 1 миллион 252 минг еврога сотиб олган эди.

Бундан ташқари, кабутар етиштирувчи Ван де Вуверга тегишли 445 та кабутар сотувга қўйилгани тўғрисидаги хабарда хитойлик харидорлар томонидан "Mother New Kim" 400 минг еврога, "Palme Kim" 204 минг еврога ва "Kimi" 180 минг еврога сотиб олингани қайд этилди.

Кимошди савдосида 157 та кабутар учун жами 4 миллион 779 минг 850 евро тўланган.

"ЧАПАРЕ" ВАБОСИ

1 миллиондан ортки одамнинг ўлимига сабаб бўлиб, дунёни оғир аҳволга солган "COVID-19"га қарши кураш пайтида АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказининг тадқиқотчилари Бельгияда Эбола вирусига ўхшаш янги юқумли вирус тури тарқалгани ҳақида огоҳлантиришди.



Янги вирусга у аниқланган жой номи берилиб, "Чапаре" деб юртилмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, вазият ўта жиддий, чунки бу вируснинг ҳам одамдан одамга юқishi янги эпидемияни келтириб чиқариши мумкин.

Айни пайтда сиқонлардан юқани тахмин қилинаётган бу вирус туфайли 3 нафар инсон вафот этган.

ФИЛИППИНДА ФАЛОКАТ



Филиппинда "Вамко" деб номланаётган кучли туфун юз берди. Унинг оқибатида мамлакатнинг турли ҳудудларида кўчклар ва тошқинлар юз берди. Туфун туфайли Манилалот муниципалитетининг Сан-Роке қишлоғида содир бўлган кўчки юзлаб метр кенгликдаги чуқурни ҳосил қилди.

Таъкидлашишича, фожиа натижасида бутун мамлакат бўйлаб камиди 39 киши ҳалок бўлган ва 32 киши бедарак йўқолган. Тахминан, 4 миллион хонадонда электр қуввати узилган. Айни пайтда 350 мингдан ортки одам хавфсиз жойга кўчирилди.

Филиппин президенти Родриго Дутерте давлат идораларига жабранганларга ёрдам беришни буюрди.

Хосият БОБОМУРОВА,
шоира,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЪЛИМ

Дарс жараёнида ўқувчиларнинг эътиборини тортиш, уларнинг фанга бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида турли ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш методикаси барча ривожланган мамлакатларда кенг татбиқ этиб келинаётгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

ДАРС ЎЙИН ЭМАС

лекин дарсда ундан фойдаланса бўлади

Албатта, дарс пайтида интерфаол ўйинларни ташкил этишда ўқувчининг ёши, синфхонанинг жиҳозланиши ҳамда кўргазмалар куралининг ноанъанавийлигига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич синфларда "Тўп отар", "Ўрмондаги тортишув", "Ким топқир" каби ўйинларни ўйнаш орқали мавзунини тушуниш осонроқ ва қизиқарлироқ тус оلسа, юқори синфларда ўқувчиларга масъулият ва интеллектни оширувчи ҳаракатли усуллар қўлланилиши кўпроқ натижа беради. Энг асосийси, бунда ўқитувчи ҳам дарсни мазмунли ўтиш қўлай ва осон бўлади.

Тажрибадан маълумки, бошланғич синф ўқувчилари "Ким чаққон?", "Ким топқир?" сингари дидактик ўйинларда сингларни, анъанавий усулларга қараганда, анча фаол ва осонроқ амалга оширишади. Бундай машғулотларда ўқувчилар берилган топшириқларни идрок қилиш билан бирга узок вақт хотираларида ҳам сақлаб қолади.

Шунингдек, интерфаол методлар ўқувчиларни ижодкорликка йўналтириб, уларнинг тасаввур доираларининг кенгайтишига ҳамда дарсда эркин баҳс-мунозарага киришиб, ўз фикрини дадил айти олишига имкон яратади.

Ноанъанавий дарс ўтишда ўқувчи аниқ йўл-йўриқ кўрсатиш, топшириқларни бажариш учун етарли вақт ажратиш,

кучли гуруҳларни рағбатлантириб бориш, кучсиз гуруҳларни эса голиблик сари рағбатлантириш жуда муҳимдир. Қолаверса, дарс жараёнида ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб, баъзи-баъзида эса жамоа аъзоларини биринчи гуруҳдан иккинчи, иккинчи гуруҳдан биринчи гуруҳга ўтказиб туриш ҳам яхши натижа беради.


Интерфаол ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириб, адабий тил меъёрларига риоя қилишга, ҳушёрликка, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ўргатади. Шунингдек, ўқувчилар эркин ва мустақил фикрлашга, олган билимлари ҳақида аниқ, лўнда жавоб беришга ўрганадилар.

Демак, интерфаол дарс ўтиш ҳар томонлама манфаатлидир.

Айниқса, бошланғич синфларда ана шундай усуллардан фойдаланиш фарзандларимизнинг пухта билим ва кўникмаларни олишида аҳамиятли бўлиб, дарсларнинг жонли, мазмунли бўлишини таъминлайди.

Айтиш жоизки, бизнинг мактабда интерфаол ўйинларни ўз ўрнида қўллаш орқали ўқувчиларимиз фанларни ўзлаштиришида сезиларли ижобий натижаларни қўлга киритмоқда

Диёра РАХМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 260-мактаб
ўқитувчиси.



ЛУҚМА

МЕТРО
ЭШИКЛАРИ

ҚАЙСИ ТОМОНДАН ОЧИЛАДИ?

Метро — жуда қўлай ва тезкор транспорт воситаси. Кўзлаган манзилнингизга ўз вақтида, хавфсиз этиб борасиз. Унинг хизматидан пойтахтимизда кўпчилик фойдаланади. Мен ҳам ҳар кун эрта тонгадан янги ерусти метросининг 2-бекатига чиқаман. Бу ер ҳам бошқа бекатлар сингари тоза, озода ва шинам. Баҳри дилингиз очилади. Аммо...

Хабарингиз бўлса, Тошкент метрополитенида поезд кириб келган бекат ва кейинги бекат номи олдиндан эълон қилиб борилади. Худди шунингдек, янги қурилган ерусти метро йўналишида ҳам. Поездга чиқишингиз биланок: "Иккинчи бекат. Илтмос, ёш болали, ногирон ва қарияларга жой беринг. Кейинги бекат "Дўстлик-2", деган чиройли талаффузда янраган эълон қўлганингизга хуш ёқади. Ён атрофни томоша қилишга, улгуриб-улгурмай кейинги бекатга этиб келасиз ва яна эълон янграйди. Фақат бу гал сал кўнглини хира қиладиган даражада: "Дўстлик-2" бекати. Эшиклар ун томондан очилади...". Ногоҳон "Қизиқ, "УН ТОМОН" дегани нима экан-а, шунақа тараф ҳам бормикан?" деган ўй келади ҳаёлингизга.

Аҳ-ха, топдим, дейсиз, "ўнг томондан" дейишмоқчи.

Дарҳақиқат, шундай: "ун томон" ўнг томоннинг шевадаги талаффузи, бузилган шакли. Бу — хато. Хатони эса тўғрилаш керак. Балким, юқоридаги ҳолни "арзиманган ҳолат" сифатида баҳолайдиганлар ҳам топилар. Аммо менимча, она тилимиз билан боғлиқ ҳар қандай жиҳатга, у катта, кичими, жиддий эътибор қаратиш зарур. Негаки, бу ўзгиримиз тимсоли бўлган она тилимиз истиқболга, миллатимиз келажагига дахлдор масаладир.

Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети академик лицейи ўқувчиси.

СПОРТ

9 ёшли Ойбек кўчада тўп тепишни яхши кўрарди. Ҳар гал "кўча боласи" бўлиб қолаётганини кўрган онаси: "Ўйга кир! Овқатингни еб ол!" — деса, Ойбек тўпни зарб билан тепиб дарвозага киритар экан: "Бу голимни сизга бағишлайман, онажон!" — деб онасининг кўнглини юмшатарди.

"БУ ГОЛИМНИ
СИЗГА
БАҒИШЛАЙМАН,
ОНАЖОН!"

Бу сўзларни эшитган онаси: "Толеинг баланд бўлсин, ўғлим!" — деркан кўзига ёш олиб. Шоҳида онанинг айтишича, кенжа ўғлининг кичик ютуқларидан-да қувониб, уни қутлаган дамлари кўп бўлган экан.

Фаргона вилояти, Учкўприк тумани, Олмурод қишлоғидаги футбол ўйингоҳи эса ҳар кун Ойбек Рустамов каби ёш тўспурақларнинг галабали ҳайратларига, аламли кўз ёшларига кўп гувоҳ бўлган.

Ойбек аввалига (2010-2015 йиллар) Тошкент шаҳар Футбол академиясининг "Спартак" футбол клубида маҳоратини оширди. Ун саккиз ёшга тўлганида "Кўкун-1912" профессионал футбол клубида тўп сура бошлади. 2016 йилдан бошлаб эса фарғоналик ёш футболчи Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафига қўшилди.

Албатта, ҳар бир футболчи майдонга тушар экан, фақат галаба сари интилади. Ойбекнинг бир умр эсида қоладиган дамлар яқинлашарди. У 2018 йилда Хитойда 23 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида голиблик тақдирига зафарли саҳифаларни битишини орзу қилганди, холос. Аммо...

Майдонда Вьетнам — Ўзбекистон жамоалари қад ростлашди. Ҳазилакам гапми, кўрғана чемпионлик тикилган. Бу — финал! Эҳ, ўша дамлар, ўзбек футболининг ёрқин кунлари энди бошланади, дегувчилар бутун Ўзбекистонликлар эди. Рақиб ҳар қанча уринмасин ўз дарвозасидан икки тўп олиб чиқибди. Ўзбекистонлик футболчилар сўнги дақиқага устунлики қўлдан беришмади. Ушанда майдон узра: "Ўшбу галабамизни сенга бағишлаймиз, она Ватан!" — деган ҳайқирик янгради. Ойбек Рустамовнинг кўзига ёш олганининг сабаби ҳам шу — ўта таниш ҳайқирик. Бу овозлар уммондан отилган тўлқиндек дунёни тутиб кетди. Ҳа, у ва унинг жамоадoshiлари "Ўшбу галабамизни сенга бағишлаймиз, она Ватан!" — деб фақат Хитойни эмас, Осиё футболни тақдирга тақдирлаш этишганди.

Мамлакатимиз аҳли уларни миллат қаҳрамонларидек кутиб олишди. "Зафар муборақ!" — бу қутлов наинки Тошкент халқаро аэропортида, балки ўзбекистон барча хонадонларида айтилди. Давлатимиз раҳбарининг қутлови эса бутун ўзбек футболгоҳи ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади. Футболчиларга "Малибу" автомобиллари совға қилинди. Бу улкан галабанинг муносиби ютуғи эди. Ўша дамлардаги қувонч, ҳаяжон халқимиз қалбига ҳамон тўлқинлиниб тургани бежиз эмас, албатта.

Ойбек Рустамов ўзига юкланган масъулиятни ҳис қилиб турди. Ўз маҳоратини кун сайин ошириб борди. Ватан шаъни йўлида қилинган меҳнат ўз самарасини берди. У Ватанимизнинг "Мард ўғлон" давлат мукофотиға муносиб қўрилди. Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетиға имтиёзли равишда қабул қилинди.

— Миллий терма жамоамиз сафига тўп сураётганим бу — ўзбек футболни келажаги ишониб топширилган ёш футболчилар сафига борлигим. Бунинг ўзи мен учун улкан бахт, — дейди чемпион. — Халқаро яшил майдонларда зафарли ўйинларимиз билан юртимиз шарафини химос қилиш, Ўзбекистон спортини дунёга танитиш ва улуглаш — бизнинг катта орзуимиз, олий мақсадимиздир, — деди О.Рустамов.

У яқин йиллар ичида ўзбек футболни миллионлаб муҳлисларнинг ишончини оқлаши, жаҳон чемпионатларида албатта иштирок этишига ишонади.

Қанийди...

Дилнавоз ҚҮДДОШЕВА.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

"Ўзсаноатқурилишбанк" да
андеррайтинг тизими йўлга қўйилди

АНДЕРРАЙТИНГ ТИЗИМИ БАНК ТОМОНИДАН ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ОРТИҚЧА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРСИЗ, ҚИСҚА МУДДАТДА КЎРИБ ЧИҚИЛИШINI ТАЪМИНЛАЙДИ.

Банк тизимида Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатишнинг замонавий стандартлари жорий қилинмоқда.

Халқаро молия корпорацияси тавсияларига асосан кредит ажратишнинг марказлаштирилган — андеррайтинг тизимига ўтказилиши бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир.

Сўнги вақтларда замонавий банк амалиётига кенг татбиқ этилаётган андеррайтинг кредит олиш истагини билдирган потенциал қарздорнинг молиявий ҳолати ва унинг кредитни қўлай олиш имкониятини таҳлил қилишнинг бир қатор жараёнларини ўз ичига олган тизимдир.

Андеррайтинг кредит ажратиш жараёнининг шаффоф бўлишини таъминлаб, кредит бўйича масъул шахслар томонидан ҳолислик тамойили асосида, шахсий манфаатлар иштирокисиз қарор қабул қилиш имкониятини яратади. Бу эса кредит ажратиш жараёнларида коррупцион ҳолатларга йўл қўйилмаслигига хизмат қилади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" да андеррайтинг тизимининг жорий қилиниши натижасида банк мижозларининг кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш ва хулоса беришдаги кўп босқичли тизимдан воз



кечилиб, уларнинг филиал комиссияси муҳокама-сига киритилиши бекор қилинмоқда.

2021 йилнинг январь ойидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга модулли кредитлар ажратиш юзасидан қарор банкнинг андеррайтерлар гуруҳи томонидан қабул қилиниши режалаштирилган.

Қайд этиш лозимки, банк тизимида мижозларга янада қўлайлиқлар яратиш ва уларга жозибадор кредит турларини тақдим қилиш мақсадида кредит ажратиш босқичлари 6 тадан 3 тага, муддати лойиҳа қиймати ва мақсадидан келиб чиқиб, 10 кундан 1 кунгача қисқартирилди, корхоналарнинг мулкчилик шакли, кредит мақсади, фаолият туридан келиб чиқиб қатор янги кредит маҳсулотлари жорий этилди.

Эслатиб ўтамиз, "Ўзсаноатқурилишбанк" да Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда банкни халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган молия муассасасига айлантиришга қаратилган трансформация жараёнлари амалга оширилмоқда. Бунда банк хизматларининг мижозга йўналтирилганлиги асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Банк Ахборот хизмати.

